# ХАЛҚДАН АЙРИЛИБ БЎЛМАС

Элнинг тоза ва сара фарзандлари бугун майдонга чиқдилар — Олий Мажлис депутатлигига номзодларини қўйишди. Буларнинг ичида шоир-ёзувчилар ҳам бор.

Абдулла Орипов бор. Эркин Воҳидов бор. Ўткир Ҳошимов бор. Булар кўп. Дилкаш шоиримиз Азим Суюн ҳам шуларнинг сафида.

Битта ҳақиқатни тан олайлик — шоир-ёзувчига Оллоҳ берган талант, истеъдоднинг ўзи ҳеч нима билан қиёс этилмайдиган обрў. Эл тилида, дилида бўлишнинг ўзи мартабалар ичра улуғ мартаба. Ҳамма бу қавмга қизиқиш билан қарайди. Ҳавас қилади. Имон-эътиқодли кишилар, ҳақиқатчилар деб атайди уларни.

Ҳамма даврларда эл кўзига яқин, эл дилининг кўзгулари — шоир-ёзувчилар жамият равнақи учун олдинги сафда бўлишган. Халқ томон, адолат томон, улуғ давлатчилик тарафда туришган.

Бугун депутатликка номзоди қўйилган адиб ва шоирлар обрў ва мартаба учун шу ишни қилдилар, депутат бўлиш учун сафга турдилар десак янглишамиз. Шундоғам обрў-эътибори, шаън-шавкати етарли уларнинг. Энг муҳими, буюк Истиқлол яйраб-яшнаб, ёниб куйлаш имконини берди уларга.

Ўзини Ватан ва Миллат қисматидан айро ҳис қилмаганлар эртамиз ёруғлиги, келажагимиз чароғонлиги учун бугуннинг юраги, қайноқ нафаси бўлиб Парламент залида туриб қабул қилинажак қонунларимиз мукаммалигини таъминлашига улкан ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Мен катта-катта романлар ёзиб қўйдим, достонлар яратдим, халқ шоири бўлдим, халқ эъзозлайди деб ҳозирги жараёндан четда турмаётган



ижодкорларни даврнинг уйғоқ фарзанди сифатида эъзозламоғимиз керак.

Бугун сайловолди ташвиқот ишлари авжида. Бу ҳол эртаиндин поёнига етади. Ўктам ва етук инсонлар депутат бўлиб сайланади. Бу албатта, сайловчиларнинг сиёсий фаоллигига боғлиқ масала.

Халқнинг пешқадам шоири Азим Суюн ҳам бугун бу жараёндан четда турмади. 80-Нурота сайлов округидан ўз номзодини депутатликка кўрсатди.

Азим Суюн 70-йилларда шиддатли тўлқин бўлиб майдонга кирган авлод вакили. Истиқлолдан олдин шўро тузумининг найрангларига бардош бериб ҳуррият ва ёруғ кунлар ҳақида дадил куйлади. Шу йўлдан қайтмади. Эй, халқдан, юртдан ғурурланмаган, қуллик ва истибдод тортган чизиқдан бўйин товламаган, келажакка ишонмаган шоир шоирмиди?! Азим Суюн маслагида собит турди. Оллоҳ берган истеъдод, ёниқ руҳ уни соғ-омон асради. Адашмади у.

*Бир назардан эл тузалар,*
*Шаррос тинар — сел тузалар.*
*Битта ҳикмат менга аён:*
*Сўз тузалса — эл тузалар.*

У сўзга, элга ҳақиқат сўзини айтиш элни тўғри йўлга бошлаш деб билади. Ва, ижодининг ўқ илдизи бўлиб қолди бу туйғу.

Азим Суюн истиқлолни ёруғ юз билан қаршилади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, қийин даврлардаёқ мамлакатимизнинг йирик нашри «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири бўлиб иш бошлади. Халқимизга озодлик моҳияти, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг одиллиги, иқтисодий ислоҳотларнинг асл мазмунини етказишда у раҳбарлик қилган нашр ва жамоанинг хизмати катта бўлди.

У софдил дўст. Адолатли раҳбар. Ёшларнинг севикли дўсти. Халқимизнинг чин маънодаги истеъдодларини бошга кўтаради. Келаётган ёш авлодга қўлидан келгунича ёрдам қўлини чўзади. Тўғри йўлни кўрсатади. Энг муҳими, ўз шогирдларига халққа ёлғон сўз айтиш балосидан эҳтиёт бўлишни бот-бот уқтиради. Бугунги сиёсий жараённи теран таҳлил қилади. Кунба-кун ўсаётган, тараққий топаётган, жаҳонда ўз ўрнини эгаллаган Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ғайрат камарини белига малҳам боғлаб хизмат қилаётган зиёли инсон.

У истиқлолимиз барқарорлиги, тараққиётимизга ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқларга дадиллик билан тик борадиган курашчан инсон. Буни Азим Суюн раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарида чоп этилаётган ўтли ва журъатли мақолалардан ҳам сезсак бўлади. Муҳими, катта шоиримиз ўзи ўсган Нурота тоғларининг салобати, adadsiz кенгликларини ҳеч кимга бермай ардоқлагани каби бугун бутун Ўзбекистоннинг бўй-бастини юрагига жойлаб, ўзгача завқ-шавқ билан куйлаяпти. Халқнинг эртаси, чароғон кунлари, фарзандларимиз бахт-саодати учун маънавий етуклик муҳим зарурат эканлигини чуқур англаб етган ижодкор у.

Азим Суюн ҳар тонг юртимизнинг турли жойлари, олис қишлоқларида яшаётган одамлардан келган хатларни варақлаб иш бошлайди.

Юртдан, одамлардан бир нафас бўлса-да айри яшаб бўлмайди, деб ўйлайди.

Бугун севимли шоиримиз Азим Суюн халққа пешвоз чиқаяпти. Агар у депутат бўлиб сайланса Парламентимиз депутатлари сафида халқнинг яна бир ишончли вакили ўз ўрнини топган бўлади.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**5 декабр 1999**

***Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар***

# ОВОЗИМДА ВАТАН ТАҚДИРИ

Эртадан кейин тонг саҳар туриб сайлов участкаларига йўл оламиз. Хўш, бу қандай кун? Унинг асл моҳиятини мен — бутун умримни ёш авлод тарбиясига баҳоли-қудрат бағишлаган истеъфодаги олим қандай тушунаман?

Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайлаш учун олиб борилган тарғиб ишлари ёмон бўлмади. Оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газеталарда барча сиёсий партиялар, мустақил номзодлар ва ҳокимият вакиллари гуруҳларининг ғоя ва дастурлари етарлича баён этилди, деб ўйлайман.

Аммо биз — сайловчилар етарли тушунчаларга, ўз хулосаларимизга эга бўлдикми?

Демократик жамият қурилаётган мустақил юртимизда бу галги сайловлар қандай ўтаркин?

Гап бизнинг ўзимиз хусусимизда. Сайловга қандай, қай алфозда, қандай руҳий, сиёсий, маънавий тайёргарлик билан бормоқдамиз. Ўзимизни ана шу масъул он қаршисида саволга тутайлик. Ўзимиз овоз бермоқчи бўлган депутатни ростдан ҳам яхши биламизми? Ахир, тавсия этилаётган номзод осмондан тушгани йўқ-ку. Шу ёшга кириб номзод нима иш қилган, бошқалардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқаришда, ўқишда, ижодда ўрнак бўлгулик иш кўрсатганми, хулқи, салоҳияти билан инсонга хизмат кўрсатувчи ўз соҳасининг ўсишига сабабчи бўлганми, ё у депутатликнинг ҳавасига учган ҳаваскорми?

Биз буни билишимиз керак. Аллақачон билиб олган бўлишимиз шарт.

Қаршилаётган кунимиз эса ниҳоятда масъулиятли кун. Бу кун нафақат эртани, балки келажакни ҳам белгилаб беради. Келажакнинг қандай бўлиши бўлғуси депутга қанчалик боғлиқ бўлса, бизга ҳам шунчалик боғлиқ.

Ўзбекистон барча жабҳаларда — фан, санъат ва маданият, қурилиш, ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларда илгариламоқда. Ҳеч бўлмаганда спортчиларимизнинг шу йилнинг ўзидаёқ эришган оламшумул ғалабаларини кўз олдингизга келтиринг. Улар шундай юртга муносибдир. Улар ғалабаларга, айни шу кунларда, яъни жуда-жуда зарур бўлиб турган кезларда эришдилар. Хўш, қолганлар-чи? Биз юртнинг келажаги учун нима қилдик, нима қиляпмиз ва қила оламиз? Тушунчамиздаги замонавийлик, мустақил юрт манфаатлари йўлидаги фидойилик, юксак савия, келажак учун масъуллик туйғулари овоз бераётганимизда ҳам кўксимизда жўш уриб турардими?

Шахсан мен кўп сайловларнинг қатнашчиси бўлганман. Бироқ кўпинча ишимдан кўнглим тўлмаган. Чизиб ташлаш мумкин бўлган номзод бўлмаган. Нима учун овоз бераётганимиз, кимга, қайси хизматлари учун ва ундан қай жиҳатлари учун умидвор бўлишимиз кераклигини ўйлаб ҳам ўтирмай овоз бераверганмиз.

Энди бундай кўр-кўрона овоз бериб бўлмайди. Энди фақат муносиб номзодларни танлайлик ва уларга овоз берайлик. Миллат равнақи, Ватан келажаги учун, ўз тақдиримиз учун шундай онгли ва фаол сайловчи бўлишимиз керак. Барча юртдошларимни шунга даъват этаман.

**Раҳматхўжа РУСТАМОВ**

# ИЖОДКОР ХИЗМАТГА ЧОҒЛАНДИ

Халқ депутатлигига бу галги сайловларга тайёргарлик жараёни ушбу соҳада катта ўзгаришлар юзага келганлигини кўрсатди. Бу ўзгаришларни халқимиз ҳам, хорижлик кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда. Ана шундай ўзгаришлардан бири, биз учун энг муҳими, юртдошларимиз орасидан халқ хизматига бел боғлаганларнинг кўпайганлигидир. Маълумки, депутат халқ хизматидаги одам. Депутатликка номзодлар сони эса олдинги сайловлардагига нисбатан бир неча баравар ортди.

Айни пайтда, бу номзодлар шўролар давридагидек, фалон фоизи ишчилар синфидан, фалон фоизи деҳқонлардан, фалон фоизи зиёлилардан тузилган рўйхат асосидаги одамлар эмас, уларнинг ҳар бири ўз соҳасини ва мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётини яхши билган, халқ хизмати учун ўз дастурига эга бўлган кишилардир. Бошқача айтганда, ушбу сайловда депутатликка номзодлар сони ошибгина қолмай, уларнинг сифати ҳам яхшиланган.

Ана шундай номзодлар орасида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, журналистлар, ноширларнинг ҳам борлиги кувонарлидир. Халқимиз ижодкор ва санъаткорларга ҳамиша эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлар, улар яратган асарлар, ижро қилган роллари, куйлаган қўшиқларини хурмат билан эслайдилар. Шу учун ҳам истиқлолдан кейин уларнинг аксарияти республикамиз парламентида фаоллик билан иш олиб бордилар. Бу галги сайловга ижодкорлар, санъаткорлар, журналистлар орасидан юздан ошиғи турли партиялар, халқ ҳокимияти органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан депутатликка номзод қилиб қўйилган. Шулардан айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қашқадарёликлар атоқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ва «Насаф» нашриётининг директори, истеъдодли адиб Темирпўлат Тиллаевни ўз округларидан депутатликка номзод қилиб кўрсатишган. Уларнинг асарлари ва сайловолди дастурлари сайловчиларида катта ишонч уйғотганлиги шубҳасиз. Абдулла Ориповнинг «Хаж дафтаридан», «Дунё» шеърий тўпламлари ўқувчилар учун чинакам янгилик бўлди. Истиқлолга бағишланган қатор шеърлари халқимизнинг орзуларининг ифодасидир. Шунингдек, бу вилоятдан икки-учта санъаткор ва ноширларнинг номзодлари ҳам рўйхатга олинган. Сурхондарё вилоятидан икки адиб Эркин Аъзамов ва Зоир Мамажонов Олий Мажлис парламентидан ўрин олиш учун ўз сайловчиларини дастурлари билан таништирмоқдалар. Иккала адиб ва журналист асарларини нафақат сурхондарёликлар, бошқа китобхонлар ҳам яхши биладилар.

Фарғона водийси аҳли ижодкорлар ва санъаткорларга кўпроқ ишонч билдиришди. Шу учун водийдаги сайлов округларидан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Йўлдош Сулаймон, Хайриддин Султонов, Мирпўлат Мирзаев, Ёқубжон Хўжамбердиев, Муҳаммад Али, Ҳабиб Саъдулла, Иброҳим Ғафуров, Наим Каримов каби адиблар, Юлдуз Усмонова, Юлдуз Исматова, Фаррух Зокиров каби санъаткорлар, Ортиқали Қозоқовдек мўйқалам усталари депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди. Э. Воҳидовнинг ижодий ишлари билан бирга парламентдаги олиб борган фаолиятини билмайдиган одам бўлмаса, керак, Й. Сулаймон, Х. Султонов, М. Мирзаев, М. Али, Ҳ. Саъдулла, И. Ғафуров, Н. Каримов, Ё. Хўжамбердиев истиқлолдан кейин баракали ижод қилдилар. Сарбадорлар, бобурийлар, Аҳмад Фарғоний ҳақида тарихий асарлар улар томонидан яратилди. Чингиз Айтматов асари, қозоқ ва бошқа тиллардан таржималар, қатағон даври қурбонлари ҳақидаги айбномалар ҳам шу адиблар қаламига мансубдир. Ю. Усмонова, Ю. Исматованинг концерт дастурлари, шубҳасиз, кейинги йиллар санъатимизни бойитди. О. Қозоқовнинг полотнолари эса халқимизга манзур бўлди. Самарқанд вилоятидан Мурод Муҳаммад Дўст, Абдусаид Кўчимов, Аҳмад Аъзам, Хуршид Даврон каби таниқли ижодкорлар парламентда халқ хизматида бўлиш ниятида. М.Муҳаммад Дўстнинг кейинги йилларида яратган киноасарларида, А. Кўчимов, А. Аъзам, Х. Давроннинг турли мавзулардаги телекўрсатувларида халқимиз тарихи, маънавияти, бугунги ҳаёти тадқиқ этилади, миллий қадриятларимизга қайтиш, ўзлигимизни англаш етакчи ўрин тутади.

Навоий вилоятидан эса депутатликка учта ижодкор Ойдин Ҳожиева, Азим Суюн, Ашурали Жўраев номзодлари қўйилган. О.Ҳожиева истиқлолга бағишланган кўплаб шеърий туркумларнинг муаллифи. Айни пайтда, у «Саодат» журналининг, Азим Суюн ва «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг, А. Жўраев «Муштум» журналининг бош муҳаррирлари сифатида мамлакатимиз ҳаётидаги янгиликларни тўлароқ акс эттиришга интилаётганлигини ўқувчилар яхши билишади.

Бугунги кунда депутатликка номзод қилиб қўйилган ижодкорлардан Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Хуршид Дўстмуҳамедов, Дилбар Саидова, Гавҳар Ибодуллаева ҳам баракали ижод қилиш билан бирга жамоатчилик ишларини ҳам амалга оширмоқдалар. Ў. Ҳошимовнинг парламентдаги фаолияти, Х. Дўстмуҳамедовнинг «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири, Д. Саидова «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири, Г. Ибодуллаеванинг Маърифат ва маънавият кенгаши Хоразм вилоят бўлими бошлиғи сифатидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир. Журналистлар Тўхтамурод Тошев («Адолат» газетаси бош муҳаррири), Рўзивой Қулдошев, Шаҳодат Муродова, Муаттар Асқарова, санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ҳам ўз ишлари билан халқимиз кўнглидан аллақачон жой олган инсонлардир.

Бу ижодкорлар санъаткорлар, журналистларни бугунги кунда бир мақсад, бир туйғу ўзаро бирлаштириб турибди. Бу озодликка эришган юртимизнинг парламентидан жой олиш ва халқимизга хизмат қилиш ниятидир. Ушбу ниятнинг ушалишига биз ҳам кўп сонли муштарийлар билан бирга тилакдошмиз. Сайловлар жараёнида ўзгаришлар юз бераётган экан, бу фақат бўлажак депутатдангина эмас, сайловчидан ҳам ҳозирги ҳаётга мувофиқ фаолликни талаб қилади. Шу ўринда бугунги сайлов аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ, бизнинг кўз ўнгимизга яна бир ҳақиқатни намоён қилди: Эндиликда бизга қоп-қоп ваъда бериб, уни амалга оширмайдиган депутатлар эмас, балки ваъда бермасдан амалий иш қиладиган ноиблар керак. Шунинг учун сайловчи депутатликка номзоднинг мансабига эмас, амалга оширган ишига қараб ҳукм чиқарса хато қилмайди. Афсуски, орамизда ҳамон ҳоким депутат ҳамма ишни бажаради, доктордан чиққан депутат соғлигимизга ёрдам беради, ўқитувчидан чиққан депутат мактабдан бошқа соҳага ёрдами тегмайди тарзида фикрловчилар ҳамда шу асосда номзодларга овоз берувчилар бор. Бу ўринда номзоднинг бизга ёлғиз шахсга берадиган ёрдамини эмас, балки умумманфатини кўзлайдиган ишини асос қилиб олишимиз лозим.

Номзодларнинг бўлиб ўтган сайловолди чиқишлари бизни яна бир нарсадан — айрим сайланувчи ва сайловчиларнинг баҳс, мунозара одобидан ҳали йироқроқ эканликларини ҳам кўрсатди. Баъзи номзодлар партияси ва ўз дастури қолиб, бошқалар дастурини танқид қилиш, шахсидан айб топиш, ўтмишда аждоди ким бўлганлигини суриштириш билан шуғулланадилар. Бундай номзод келгусида депутат бўлиб парламентдан ўрин олса, қандай каромат кўрсатар экан?

Хуллас, номзодларнинг сайловолди чиқишлари поёнига етай деб қолди. Эрта ўтиб индин эса... сайлов. Сайлов эса ҳаммасини жой-жойига қўяди.

**К. Муҳаммад ЁҚУБ**

*3 декабр — Халқаро ногиронлар куни*

# НОГИРОННИНГ КЎНГЛИ... НОЗИК

***Тошкентда республика Миллий Реабилитация маркази ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ қисқа фурсат ичида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, ногиронларни меҳнатга қайтаришга хизмат қилувчи мосламалар ўрнатилгани беморларга қулайлик туғдирмоқда. Марказ бош директори ЖАМОЛИДДИН НАЖМИДДИНОВ ўз соҳасининг чуқур билимдон мутахассисларидан бири. У Андижон давлат тиббиёт институтини тугатиб, Тошкент Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида ишлади, бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлди. Москвада аспирантурани битириб қайтгач, «Афғон урушида ногирон бўлган фуқароларни даволаш» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Марказ раҳбари билан суҳбатимиз унинг фаолиятидаги янгиликлардан бошланди.***

**— Жамолиддин Юсупович, бу даргоҳ илгари Ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-текшириш маркази деб номланарди.**

— Тўғри. Унинг Миллий реабилитация марказига айлантирилишидан мақсад аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ногиронларни иложи борича тез соғайтириб, меҳнат қобилиятини тиклашдан иборат. Ишимизнинг асл мазмуни анча кенгайди. Ногиронларга муносабатимизда, улар билан олиб борадиган ишларимизда бурилиш юз берди. Яъни биз уларга фақат нафақа белгилашни эмас, балки иложи борича реабилитация қилиб, соғломлаштириб, иш жойига қайтариш ёки ишга жойлаштиришни мақсад қилиб олдик.

Лекин, очиғи, бу жараён қийин кечади. Тўғри, учинчи гуруҳ ногиронлари асосан ишлайдилар. Лекин ҳам ишлашда давом этиб, ҳам ногиронлик нафақасини олишни афзал кўрадилар. Демоқчиманки, бу тоифадаги айрим одамлар реабилитация қилиниб, бутунлай соғлом кишилар қаторига қайтишдан кўра, ногиронлик нафақасини олишни хуш кўрадилар, уларни кўпроқ иқтисодий, моддий манфаатдорлик қизиқтиради.

Бинобарин, бу ўринда ногиронларнинг руҳий-маънавий савияси ҳақида қайғуриш масаласи юзага чиқади. Иккинчи гуруҳ ногиронлари маълум шарт-шароитлар асосида ишлашлари ҳам мумкин. Лекин бу ўринда яна икки муаммо бор. Биринчидан, айрим раҳбарлар улар учун иш жойи ташкил қилишни истамайдилар. Аслида бу унчалик ҳам мураккаб эмас, деярли азият чекмай бажарса бўладиган иш. Фақат астойдил хоҳиш ва ўз устида ишловчига нисбатан эътибор керак. Иккинчи муаммо шундаки, кўп ҳолларда ишлашлари мумкин бўлса ҳам, иккинчи гуруҳ ногиронлари нафақани маъқул кўрадилар. Сабаби ишга жойлашиш улар учун асаббузарлик, ортиқча ташвиш келтиради. Ундан кўра нафақани олиб тинчгина юрганни маъқул билишади. Улар орасида ҳатто биринчи гуруҳ ногиронлигига даъво қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Чунки бу гуруҳда имтиёзлар кўпроқ. Кўряпсизми, гап нимага бориб тақалаяпти. Бошида айтганимиздек, барча гуруҳ ногиронларининг руҳий-маънавий қиёфаси ҳақида қайғуришимиз, уларнинг ўзларига бўлган муносабатларида тубдан бурилиш ясашга эришишимиз лозим.



**— Бунда асосий масъулият тиббиёт ходимлари зиммасига тушса керак, албатта.**

— Асосий масъулият республика Миллий реабилитация маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари зиммасига тушади. Вилоятларда, туманларда зарур тиббиёт китоблари, журналлар етишмайди. Айни вақтда тиббиёт ходимларининг ўзида ҳам малакасини оширишга астойдил интилиш бўлиш керак. Афсуски, кўп ҳолларда чекка жойлардаги тиббиёт ходимлари дастлабки билимлари билан қолиб кетаяптилар.

**— Марказнинг номи ўзгариб, вазифалари доираси кенгайгандан кейин ҳам илмий-текшириш институти хусусиятини сақлаб қолдими?**

— Шу билан баробар илмий ишлар доираси ҳам кенгайди. Чунки бизда бўлимлар сони олтитага етди. Булар жарроҳлик, даволаш, тиббий меҳнат экспертизаси асослари, функционал диагностика, ногиронларни ишга жойлаштириш ва мосламалар тайёрлаб бериш ҳамда ногиронларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш бўлимларидир. Айрим ногиронлар реабилитация бўлимида даволансам гуруҳим ўзгариб, енгилроғига ўтказиб қўйишади, нафақа пулим камайиб қолади, деб ўйлашади — меҳнат қобилиятлари тикланишидан қўрқишади. Наҳотки, инсон ўзининг тузалиши, соғломлашишидан кўра ногиронлик гуруҳининг жойида қолишини, ҳатто оғирроқ турига ўтказилишини афзал кўришади. Кўриниб турибдики, асосий ишимиз соғломлаштириш бўлса ҳам, кўпроқ одамларнинг онгини, руҳиятини, психологиясини даволаш билан шуғулланишга мажбурмиз. Ҳар бир ногироннинг ҳуқуқий билимлари етарли бўлиши, ижтимоий таъминот масалаларини яхши тушунган бўлиши керак. Бу энг мураккаб, қийин вазифалардан бири.

**— Жамолиддин Юсупович, шундай бир савол туғилади: ногирон бўлиб қолиш ҳоллари эркакларда кўп учрайдими ёки аёлларда?**

— Ҳар икки тоифада ҳам турли касалликлар туфайли ногирон бўлиб қолиш ҳоллари мавжуд. Ҳар икковида ҳам юрак қон-томир касалликлари биринчи ўринда туради (21 фоиз). Аёлларда ревматизм билан касалланиш кўпчиликни ташкил этади. Умуман, аёлларда туғиш жараёнини мувофиқлаштириш керак, чунки камқонлик касаллиги оз эмас. Оқибатда болалар ҳам касал туғиладилар... Аксарият ҳолларда қариндош-уруғлар никоҳидан ҳам ногирон болалар туғилади. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам тамаки чекиш, ичишдан сақланишлари керак. Ҳозир кўпгина оилалар тўй-ҳашамга, кийинишга, дабдабавозликка берилиб кетишяпти. Ҳатто иқтисодий жиҳатдан тангроқ оилалар ҳам ейиш-ичишдан ўзларини тийиб, ҳашамга ружу қўйишмоқда. Ахир, бундай оилаларда болага оқсил, витаминлар етишмайди, иммунитет сусаяди...

**— Янглишмасам, ногиронларга гуруҳ беришдаги барча чигал масалалар сизларда ҳал қилинади. Сизлар қўйган ташхис устидан ҳам шикоят бўладими? Бундай ҳолатларда қандай йўл тутилади?**

- Баъзан ниҳоятда мураккаб, қийин воқеалар содир бўлганда, махсус текшириш зарур бўлиб қолади. Албатта, бундай текширувда малакали мутахассислар иштирок этадилар.

**— Бугунги кунда марказ олдида турган асосий вазифа нималардан иборат?**

— Биринчи навбатда ногиронлардаги боқимандалик характерини йўқотиш керак. Албатта, ҳукуматимиз томонидан ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинган. Уларни амалда қўллаш борасида зарур ишлар олиб борилмоқда. Барибир, асосий гап, охир-оқибатда, ногироннинг ўзига бориб тақалади. Чунки, аввало, унинг ўзида саломатлигини тиклаш учун хоҳиш-истак бўлиши керак.

Биз эса ҳамиша ногиронларнинг бутунлай соғайиб, уй-жойларига, ишларига, жамиятга ўйнаб-кулиб қайтишларини истаймиз. Нафақат ногироннинг, балки ҳар бир касал одамнинг кўнгли нозик бўлади. Шунинг учун ҳам биз беморларимизнинг кўнгли оғриб қолмаслиги, ҳаётга интилишлари сусаймаслиги учун бор куч-имкониятимизни сарфлаймиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА суҳбатлашди**

*Рўйиддин РАҲИМОВ:*

# КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...

Халқимизда касб-ҳунарнинг инсон ҳаётида, нафақат инсон ҳаётида, балки жамият ривожида тутган ўрни ҳақида жуда кўп ҳикматлар мавжуд. Буюк бобокалонларимиз ўзларининг шоҳ асарларида касб-ҳунарнинг мазмун ва моҳияти хусусида кўп ва хўб ёзганлар.

Қадимшунослар маълум бир халқ тарихини чуқур ўрганишда, қадимий шаҳарлар ёшини аниқлашда тупроқларнинг остидан топилган сопол идишлардан, тилла тақинчоқлардан фойдаланади. Биттагина синиқ сопол парчаси дунёдан йўқ бўлиб кетган халқдан, кули кўкка совурилган шаҳардан дарак беради. Ўша олис тарихлар қаърида яшаб ўтган ҳунармандлар ўзларининг меҳнати неча минг йиллардан кейин ҳам келажак авлодлар учун нақадар асқотишини ҳеч ўйлаганмиканлар... Муҳташам саройлар, маҳобатли иморатлар деворларига гул солган наққошлар коинотни забт этган аср фарзандлари ўз рангини дастлаб қандай бўлса шундайлигича сақлаб келаётган нақшлар буёғини қандай тайёрланиш сирини аниқлай олмай гаранг бўлишини билганмиканлар...

***Қадим ўзбек халқисан,***
***Асл одам авлоди.***
***Миср эҳромларидан***
***Тарихинг қарироқдир.***
***Хоразмнинг ҳар ғиштида***
***Боболарнинг ижоди***
***Англо-саксонлардан***
***Анча юқорироқдир.***
***Бизда логарифманинг***
***Мушкул муаммолари***
***Қўлдаги бармоқлардай***
***Оддий қилинганда ҳал***
***Орий ирқ даъвогари***
***Черчиллнинг боболари***
***Ҳатто санай билмасди***
***Ўн бармоқни мукаммал.***

Аллома шоиримиз Ғафур Ғулом кўкрагини баланд тоғдай кўтарган ғурур — миллий ғурур бугун бизнинг ҳам юрагимизда жўш урмоқда.

Биз ана шундай буюк шаҳарларни қурган қўли гул ҳунармандлар, моҳир усталар ворисларимиз. Мустақиллик шароитида биз буни янада теранроқ ҳис этмоқдамиз. Шу туфайли ёшларимизнинг касб-ҳунар эгаллашларига, билимли бўлиб камол топишларига жуда катта эътибор бермоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги Қашқадарё вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Рўйиддин ака Раҳимов билан бўлган суҳбатимиз ана шу мавзуда кечди.

— Айни пайтда, — дея гап бошлайди Рўйиддин ака, — вилоят бўйича 1 академик лицей, 9-касб-ҳунар коллежи, 14 ўрта махсус, 28 ҳунар ва бизнес мактаблари, лицейлар — жами 52 ўрта махсус касб-ҳунар билим юртлари мавжуд. Ушбу илм-ҳунар ўчоқларида 30 минг ўқувчи таълим олмоқда.

Бу йил Қашқадарёда 14 та янги коллеж ва 1 та академик лицей қурилмоқда. Улар келгуси ўқув йили бошланишида ишга туширилади. Мамлакатимизда бундай таълим масканларини моддий жиҳатдан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ташкил этилган марказ эса бизни зарур жиҳозлар билан таъминламоқда. Ўқув масканларидаги ҳар бир махсус хона компьютер, лингафон аппаратлари, замонавий техник воситалар билан жиҳозланмоқда.

Шу ўринда шунча маблағ, ўқув қуроллари ва техник воситалар билан таъминланган ҳозирги замонавий касб-ҳунар билим юртлари илгариги мактаблардан нима билан фарқ қилади, деган савол туғилиши мумкин.

Энг аввало, улар бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Бугун биз фарзандларимиз онгида ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини тарбияламоқдамиз. Ватанини англамаган бола жисмоний жиҳатдан соғлом бўлса ҳам руҳий жиҳатдан мажруҳ бўлиб вояга етади. У ҳеч қачон маънавий камолотга эриша олмайди. Ватанини севган, миллий ғурури баланд бўлган бола эса, руҳан тетик ва соғлом ўсади. Бундай боланинг пешонаси ёруғ бўлади. Бундай болалари бор жамиятнинг келажаги буюк бўлади.

Мустақиллик шароитида билим юртлари, ҳунар мактаблари ҳам шаклан ўзгаради. Улар янги дастгоҳлар билан таъминланди, янгидан қурилди. Таълимнинг янги системаси жорий этилди. Яъни бизда бугун касб-ҳунарда жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражадаги кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқувчи ёки шогирд аввал битта мутахассисликни олар эди, ҳозир эса бир-неча (ҳатто тўрттагача) мутахассисликни эгалламоқда.

Келажакда эса катта режаларимиз бор. 2005 йилгача вилоятимизда 144 коллеж ва 10 академик лицей қурилади. Уларда 180 минг ўғил-қиз



таълим олишига ва касб-ҳунар эгаллашига имконият яратилади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай бир қитъалари бор.

***Камол эт касбким, олам уйидин***
***Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.***
***Жаҳондин нотамом ўтмоқ биайниҳ***
***Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.***

Баъзи адабиёт дарсликларида ушбу қитъа, шоир инсонни касб-ҳунар ўрганишга даъват этаяпти, деб нотўғри талқин этиларди. Бу асарни муаллимларимиз бизга ҳам шундай ўргатишган. Бундай англашилмовчиликнинг сабаби тасаввуфдан бехабарликдир. Шўро замонида эса тасаввуф илм сифатида ўқитилиши ман этилганди. Биз бугун Навоийнинг бу қитъасини ўзгача шарҳлаймиз. Шоир айтмоқчики: инсон камолот касб этмоғи — маънавий камолотга етмоғи зарур: Инсонга бу дунёдан ғамнок — ғам чекиб ўтиш фарз эмас, яъни, бу дунё учун ғам чеккан — дунёвий ҳою ҳавасларни, нафсни деб қайғурган, ва дунёга жон жаҳди билан ёпишиб олиб, ундан ажралиб қолишдан қўрққан одам, дунёнинг ғамидан кечгин, камолот касб этгин. Жаҳондан нотамом — яъни, маънан нотугал ўтган, комилликни билмай ўтган одам худди ҳаммомга кириб, покланмай чиққан одамга ўхшайди. Хулоса шуки, бу дунё инсонга камолотни касб этиш — маънавий камолотга эришиш учун берилган имкониятдир. Инсон тириклигида шу имкониятдан фойдаланмоғи зарур.

Энди сиз бу гапларнинг касб-ҳунар эгаллашга қандай алоқаси бор? Алишер Навоий ҳам ўз қитъасида касб-ҳунар ҳақида гапирмаган-ку, — дейишингиз мумкин. Аммо касб-ҳунар эгаллаш ҳам маънавий камолотга етиш йўлларидан биридир. Йигит кишига қирқ ҳунар оз, деганларидек инсон ҳар томонлама камолот касб этмоғи лозим. Зеро, мустақил жамиятимизнинг асосий мақсади ҳам шу — фарзандларимизни маънавий баркамол этиб тарбиялаш. Бизнинг ана шу мақсадимиз бобомиз Алишер Навоий насиҳатлари билан мазмунан бир хил.

**Рустам МУСУРМОН суҳбатлашди**

Иқбол МИРЗО



# ЛАҲЗАЛИК СЕВИНЧ БОР...

* * *

*Лаҳзалик севинч бор, лаҳзалик висол,*
*Бош-оёқ соз ўтган кунни билмадим.*
*Эртага юрагим тинар, эҳтимол,*
*Қачон қайғу дўли тинди, билмадим.*

*Сувлоқ кечган каби изим белгисиз,*
*Изим кўзёшгами чўмди, билмадим.*
*Умр совурмоққа руҳсиз, севгисиз —*
*Асов дил қайси кун кўнди, билмадим.*

*Баҳорда қувончгул эккандим, чоғи,*
*Не боис қайғугул унди, билмадим.*
*Қаерда адашдим, қайда гуноҳим?*
*Қаерга бош урай энди, билмадим.*

*Ҳур-ҳур шабадалар, мовий чечаклар,*
*Зангор ой эриди, томди... билмадим.*
*Сертутун кундузлар, ойсиз кечалар,*
*Шарпалар... Бир шаффоф тонгни*
*билмадим*

*Сиздан ўтинчим шу — бир лаҳза тегманг*
*Гина сақламадим, кинни билмадим.*
*Бир гўзал инсонни соғингандекман.*
*Лекин соғинганман кимни? Билмадим.*

## КЎЗЛАРИНГГА ТЕРМУЛСАЙДИМ

*Дараларга қамаб қўйиб бўронларни,*
*Тинчлантирсам юракдаги суронларни.*
*Бир эркалаб, бўйин тўксам*
*райҳонларнин.,*
*Ҳузурингга мен ўзимни келтирсайдим,*
*Кўзларингга термулсайдим,*
*термулсайдим.*

*Умр тушдек изсиз, шитоб ўтаётир,*
*Умидимни янчиб, мутаб ўтаётир.*
*Ой ишқида шошқин офтоб ўтаётир,*
*Шул ҳажрни мен васлга еткурсайдим,*
*Кўзларингга термулсайдим,*
*термулсайдим.*

*Эҳромлар ҳам бир кун туроб бўлар*
*экан,*
*Коинот ҳам тўзғиб, хароб бўлар экан.*
*Фақат севги мангу ва соф бўлар экан,*
*Билганимни энди сенга билдирсайдим,*
*Кўзларингга термулсайдим,*
*термулсайдим.*

*Кўз ёшларим, шошилмангиз, кетманг*
*тошиб,*
*Қон юракка малҳам бўлар шўр кўз ёши.*
*Қувончлардан кечиб, қайғулардан қочиб,*
*Шеърлар айтиб, йиғлатсайдим,*
*кулдирсайдим,*
*Кўзларингга термулсайдим,*
*термулсайдим.*

*Айтгил, ҳамон борми ширин*
*аразларинг?*
*Саломатми орзуларинг, ҳавасларинг.*
*Қулоғимдан кетгани йўқ нафасларинг,*
*Сени яна бир кўришга улгурсайдим,*
*Кўзларингга термулсайдим,*
*термулсайдим.*

* * *

*Тубида тош думалатиб сойлар ўтди,*
*Елкасида ярақ-ярақ ойлар ўтди.*
*Қамишларнинг бойламида найлар ўтди,*
*Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,*
*Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр.*

*Туёғидан тилло сочиб жайрон ўтди,*
*Неча кўшки обод кўнгли вайрон ўтди,*
*Ҳаммаси ҳам бу ҳолимга ҳайрон ўтди,*
*Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,*
*Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр.*

*Рўмолини қанот қилган пари ўтди.*
*Кўз учида менга қарай-қарай ўтди,*
*Нигоҳлари жонимдан ҳам нари ўтди,*
*Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,*
*Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр.*

*Шамол ўтди, булут ўтди, ёмғир ўтди,*
*Қаҳратоннинг қадамлари оғир ўтди.*
*Қоработир ўтди, Зуҳро, Тоҳир ўтди,*
*Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,*
*Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр.*

*Бир зум кулбам дарчасидан зиё ўтди,*
*Билмай қолдим чин ўтдими — рўё ўтди,*
*Сиз ўтдингиз, бу дунёдан дунё ўтди,*
*Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,*
*Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр.*

## ЎҒЛИМ

*Эски доридек қуввати кетган — қадр...*
*Аммо ҳаёт ҳамон янги — гўзал, ўғлим.*
*Томирларинг игнадан ҳам ингичкадир,*
*Тузала қол, ўғлим, тезроқ тузал, ўғлим.*

*Деразадан нафасингни сезиб турдим,*
*Гуноҳларим ўйлаб, кўнглим эзиб турдим.*
*Оқ либосдан сендан баттар безиб турдим,*
*Тузала қол, ўғлим, тезроқ тузал, ўғлим.*

*Товонимдан сочимгача узун оғриқ,*
*Оғриқ борми чорасизликдан ҳам ортиқ.*
*Сенга қандай дард тегдийкин мендан ортиқ*
*Тузала қол, ўғлим, тезроқ тузал, ўғлим.*

*Ғарибгина сочилмишдир ўйинчоқлар,*
*Бешик бўйнин сиқаётир кўзмунчоқлар.*
*Миттигина туфличалар, ҳам пайпоқлар...*
*Тузала қол, ўғлим, тезроқ тузал, ўғлим.*

*Асли, ўзим хастаҳолман, ўзим дардманд,*
*Фақатгина дилимда бу касал, ўғлим.*
*Сен соғайсанг, мен ҳам балки тузаларман*
*Тузала қол, ўғлим, тезроқ тузал, ўғлим.*

* * *

*Тақдирга тан керак-ку, аммо,*
*Гоҳида ўзимга сиғмайман.*
*Кўнглимда бир тугун муаммо —*
*Кўнглингда нима бор — билмайман.*

*Биламан кипригинг ҳар бирин,*
*Чизаман кўзларинг тасвирин.*
*Вужудинг қўйнимда, асирим,*
*Кўнглингда нима бор — билмайман.*

*Биламан қайси ранг ёқишин,*
*Нигоҳинг айтади хоҳишинг.*
*Уйқумда танийман товушинг,*
*Кўнглингда нима бор — билмайман.*

*Биламан, лабингда болинг бор,*
*Зулфингда неча тор-толанг бор.*
*Биламан, қаерда холинг бор,*
*Кўнглингда нима бор — билмайман.*

*Дилдорим дейинми, дилбарим,*
*Беҳуда юракни тилганим.*
*Бир пулдир дунёни билганим —*
*Кўнглингда нима бор — билмайман.*

*Ўзбек романи: кеча ва бугун*

# МУСТАБИД ТУЗУМ КЎЗГУСИ

***Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романида қаҳрамон ва муҳит***

Оқсоқол адибимиз Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романи мажозий манзара билан бошланади: «Ҳозиргина ҳаммаёқни куйдириб турган саратон бирданига қаҳратон қишга айланди... Кўнгилни беҳузур қилувчи илимилиқ шамол келдию, кетидан дам ўтмай, чанг-тўзон кўтарилиб, бўрон бошланди». Адиб бу манзарадан кейин «Асадулла махсумнинг оиласи бошига тушган даҳшатли фожиа ҳам худди шундай саратон кунларидан бирида юз берди», дея асосий воқеаларга ўтади. Йўқ, Шукруллонинг романи биз ўрганиб қолган — ҳар бир қисми манзара ёки портрет тасвири билан тўлдирилган, сюжети бир текис ривожланиб, ечимга келадиган асарлардан эмас. Унда юқоридаги каби манзаралар ҳам, суҳбатлар ҳам, тарих воқеалари ва матбуот материалларини персонажлар онгидан ўтказиб, таҳлилини бериш орқали муҳит ҳақида ҳаққоний хулосалар чиқариш услуби ҳам учрайди.

Асарда асримизнинг биринчи чорагида, 30-йилларда Ўзбекистон маънавий ҳаётида, давлатчилигида муайян из қолдирган жадидлар, хусусан, Асадулла махсумнинг ўғли Убайдулла Хўжаев атрофида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар акс эттирилади.

Убайдулла социалистик реализм услубида яратилган, фақат бир қолипда фикрлайдиган қаҳрамонлардан эмас. У кураш жараёнида ҳар хил йўлларга кириб чиқади: гоҳ болшевиклар билан суҳбат қурса, гоҳ меншевиклар ҳомийси Керенский билан учрашади. Коммунистларга ишонмаса-да, миллат тақдирини шулар орқали ечиш мумкинмасмикан, деган хаёлга ҳам боради.

Фидойи инсонларнинг фикр-зикри ҳамиша миллат тақдирига қаратилган бўлади. Мунаввар қори, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий шундай инсонлардан эди. Биз номини кам эшитган — «Тирик руҳлар» асарининг қаҳрамони — тарихий шахс Убайдулла ҳам ана шундай эътиқодли курашчилар сирасидан. У ўз йўлининг тўғрилигини, фақат халқ ҳокимиятига асосланган демократик жамиятгина омманинг иродасини ифодалашини чуқур англаган, Тошкентда зиёли оилада тарбия топган. У, отаси таъбири билан айтганда, «миллат дарди билан маст» бўлганлардан. «Ичган мастдан ичмаган маст ёмонроқ», дейди унинг падари.

Дарвоқе, аср бошида рус-тузем мактабини битказган, Мирзакаримбойдай бадавлат кишининг куёви бўлиб, даври-даврон суриш имкони бўлган Убайдулла «душманни енгиш учун унинг тилини, қонунини, урф-одатини яхши билиш керак», деган ақида билан Саратовга — адвокатликка ўқишга йўл олади. У ерда яшаётганида «ёвузликка қарши турмаслик» шиорини ўртага ташлаган улуғ адиб Лев Толстойга сиртдан беозор, моҳиятан жиддий хат ёзади: бутун бир халққа ёвузлик қилинса, қарши курашиш лозим, деган нуқтаи-назарини мактубига сингдиришга ҳаракат қилади.

Мустабид тузумдаги муҳит шундай эдики, нафақат бу оддий хат, умуман, Тошкентдан Саратовга бориб илм олаётган, рус қизига уйланган ўзбек йигитининг босган ҳар бир қадами кузатилади, унинг ният ва мақсадлари ҳақида тегишли жойларга маълумотлар бериб турилади.

Убайдулла бу хил чақувларни сезса-да, курашни тўхтатмайди. Шу боис эркинлик истаган бу қаҳрамоннинг ҳаёти қил устида бўлади. Ақлли ва курашчанлиги боис чор жандармлари ҳам, шўро давлати ҳам бирдай уни ёмон кўради. «Убайдулланинг хатоси шуки, бу ҳукумат ақлли одамларга кун бермаслигини билмай олишди», дейди асар персонажларидан бири.

Дарвоқе, тоталитар тузум ҳомийларига оқил ва эътиқодли одамлар ёқмайди. Уларга халқнинг аҳволини яхшилаш учун чин дилдан, таъмасиз хизмат қиладиган эътиқодли одамлар эмас, нима деса «лаббай» деб жавоб берадиган худбин кишилар керак эди. Қатор лавҳалардан, умуман, асар моҳиятидан шундай маъно англашилади.

Адиб асарда бу хил факт ва хулосаларни бериш билан кифояланиб қолмайди. Убайдулланинг амалий фаолиятини турли лавҳаларда, диалог ва монологлардагина эмас, мантиқий изчил публицистик шарҳларда ҳам ифодалайди. Убайдулла муҳаррирлик қилган «Садои Туркистон» газетасидаги мақолаларининг маъносини нозик ва чуқур таҳлил этади: «Убайдулла ўзи ташкил қилган ва ўзи бош муҳаррир бўлган «Садои Туркистон» газетасининг илк сонларидаёқ босилган мақолаларида Россиянинг талончилик сиёсатини шу қадар усталик билан фош қила бошлайдики, энг раҳмсиз фирибгар чор жандармаси ҳам ўз тузоғига илинтириб, айбдор қилишнинг иложини тополмай қолади».

Дарвоқе, Убайдулла Хўжаев ва унга ўхшаган зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган газетада чоп этилган шеър, хабар ва мақолалар орқали халқ онгининг уйғонишига туртки берилган. Убайдулла Хўжаев жадидлар ҳаракатининг илғор вакилларидан бири сифатида газета чиқариб, одамлар кўнглида мустамлакачиликка нафрат уйғотувчи мақола ва шеърлар берибгина қолмасдан, вақт-соати етиб Россияда ҳукумат пароканда бир ҳолга келганда Туркистоннинг улуғ зиёлилари ва курашчилари билан бирлашиб, амалий кураш йўлига ўтади, уюшмалар тузади. Убайдулла Хўжаев ҳам Мустафо Чўқай, Турар Рисқулов қатори бу ташкилотларга бошчилик қилади. Қўқонда улкан қурултой ўтказилиб, Туркистон мухторияти эълон қилинади. Дастлаб барча халқларга, истаган пайтда ажралиб чиқиш ҳуқуқини берамиз, деб ваъда қилган коммунистлар Қўқонда Туркистон Мухториятини эълон қилганларни қувғин қилибгина қолмасдан, қурултой ўтган Қўқон шаҳри ва атрофидаги туман ҳамда қишлоқларга ўт қўйдиради, минглаб бегуноҳларни дашноқлар қўли билан отиб ўлдиришади. Озодлик душманлари ва мустабидлар ҳийла-найрангларни ҳам ишга солиб, ўзларининг қўлидаги оммавий ахборот воситалари орқали курашчиларни халқ душмани, босмачи, дея айблаб, гоҳ уларнинг бир қисмини мансаб, мол-мулк бериб, ўз томонларига оғдирадилар. Бу хил найрангларга учмаганларни турмаларга тиқиб, азоб беришади. Улардан айримлари азобга чидолмай ўзларини ҳалок этишса, баъзилари мустабидлар айтган шартларга кўнишга «рози» бўлишади.

Убайдулланинг ҳаётида ҳам шундай ҳол юз беради. Улар Убайдуллани сотиб олишга, ГПУ агенти сифатида ёллашга интилишади. Мустабидлар «шохида юрса, мен баргида юраман», деб ўзига ўзи сўз берган Убайдулла, гўё уларга ўзини рози бўлган кўрсатади-ю, эътиқодидан воз кечмайди, дўстларини, яқинларини сотмайди. Кейинчалик, «нега Мунаввар Қори, Саидносир Миржалиловларнинг душман эканлигини айтмагансан», деб тергов пайти савол беришганида: «Мунаввар қори, Саидносир Миржалиловларда аксилинқилобий ҳаракатларни сезмаганлигим учун ҳам улар ҳақида бирор нарса айтишимнинг иложи бўлмаган, — дейди».

Адиб қаҳрамоннинг қамалиш эпизодини бераркан, яқинларининг, маҳалладошларининг бу ҳодисага муносабатини ҳам кўрсатади. Улардан бири: «Шундай доно одам, бу ҳукуматнинг қандайлигини билиб туриб, у билан олишмоқчи бўлса!...», деб ҳайрон қолса, иккинчиси: «Бу ҳукуматнинг уйи куйсин!», деб пешонасига уриб ёш боладек йиғлайди. Ҳукуматни қарғаётган Убайдулланинг онасига бошқа бир ўғли — Башриллахон: «Ҳамманинг олдида эҳтиёт бўлинг, қарғишни қўйинг», деб насиҳат қилади. Адиб муҳитнинг бу хил, ўзига хос, таъриф-тавсифини бераркан, «Ҳозир кимлигингдан қатъий назар, шўро ҳукумати сени қамашни истаса, ҳеч қандай сабабсиз, баҳонасиз олиб бориб тиқади. Жадид ёки руҳоний, деб биров айтса кифоя», дейди. Шу тариқа ёзувчи 20—30-йиллар муҳити ҳақида, тоталитар тузум ҳукмрон бўлган замон тўғрисида ёркин тасаввур беради. Шўро ҳукуматининг сиёсатини чуқур билмаган киши бу хил китобни ёза олмас эди.

Асардаги воқеалар, ҳаётнинг шафқатсизлиги, шахслар тақдири шундай берилганки, бундан китобхон шубҳасиз, қаттиқ таъсирланади. Халқнинг онгли қисми мустақиллик истарди, чор ҳукумати мустақиллик бермади, коммунистлар усталик билан ҳокимиятни қўлга олганларидан сўнг, оғизда мустақиллик берамиз, деб туриб, амалда буни истаганларни қатлиом қилди.

Шукрулло мазкур роман билан бизнинг тарихий ҳодисаларга, айрим тарихий шахсларга муносабатимизни ўзгартиришга ҳисса қўшган адиб сифатида намоён бўлади. У ўз қаҳрамони тилидан урушга ўз муносабатини билдиради, Мустафо Чўқай, Заки Валидий каби туркий халқлар етакчиларининг хайрли ишларига ҳурмат-эҳтиром, мустабид тузум кирдикорларига нафрат ҳисларини уйғотади. Унинг қаҳрамонларидан бири уруш ҳақида гап кетганда: «Менинг ватаним, Туркистон! Ёв менинг юртимни босган эмас, нега энди мен, бегона юртга бориб, бир умр кўрмаганим немиснинг боласини ўққа тутишим, ўлдиришим керак!», дейди. Шу хил гапларни айтганларни жиннига чиқарган мустабид ҳукуматни айблайди. Ёки Убайдулла ва Илёс Алқин Сталин ҳузурига бориб учрашганлари ҳақида ҳикоя қилар экан, бу мустабидлар сардорининг ўзига хос образини беради. Сталин «меҳмон»ларининг миллий масаладаги, республикаларнинг мустақиллиги масаласидаги фикрларини билгиси келади. Очиқдан-очиқ, сизлар миллатчи эмасмисизлар, деб савол бермасдан, айёрона йўл тутади. Гап орасида «Ёшлигимда мен ҳам миллатчи бўлганман, мана энди ундан батамом қутулдим...», дейди. Шу билан гўё меҳмонларнинг кўнглига қўл солади. Убайдулла ичган маст ва ичмаган маст ҳақидаги отасининг гапини айтиб қутилади. Илёс Алқин эса: «Унутадиган менинг нарсам йўқ», деб кўп маъноли қилиб жавоб беради.

Шукрулло романида шахслар тақдири, тарихий ҳодисалар ифодаси билан бирга ҳаёт, адабиёт, инсон ҳақида ҳаммамизга ибрат бўладиган ҳикматлар анчагина. Адиб бир ўринда, «Тарих бизга ҳокимият учун бўлган жангу жадаллар, шахслар ҳаётидан аниқ маълумотлар беради. Бадиий асарлар эса янги ғоялар беради, ғалабага қандай эришмоқ йўлларини кўрсатади. Қаҳрамонлик ва жасоратга ўргатади» деса, бошқа бир жойда: «Адабиёт, санъат кишиларни ҳамфикр қилиб, бошларини қовуштирувчи омиллардан биридир», деган хулосани Убайдулла тилидан айтади. Ўзи ҳам бир пайтлар қатағонга учраган атоқли адиб Шукрулло «Кафансиз кўмилганлар»ни ёзиб, ўша йиллари жасорат кўрсатган эди. «Тирик руҳлар» романи адибнинг навбатдаги жасоратидир.

**Ботир НОРБОЙ,**
**филология фанлари доктори**

Владимир ГОРНЫЙ

# ЖАЛЛОД ВА УНИНГ ХОДИМИ



Ягода кулгани йўқ. У аллақачон кўпгина қайдномаларга имзо чекди, анча-мунча жиноятларни бўйнига олди, шу жумладан, ҳатто Кировни ўлдиришни ташкил қилишда иштирок этганини ҳам тан олди. Буларни тан олиш унга унча қийин бўлмади, чунки бошқа айбланувчиларга қарама-қарши ўлароқ, Ягода бўйнига қўйилаётган гуноҳларни чиндан ҳам қилган эди. Рост, бу жиноятларни у Сталиннинг буйруғи билан қилган. Вишинский, албатта, буни жуда яхши билади, бироқ на у, на Ягода бу тўғрида лом-мим деб оғиз очишмади. Фақат битта айбнигина Ягода бўйнига олишни истамади. Уни ажнабий разведкаларнинг жосуси деб айблашди, гўё у шу разведкаларнинг талаби билан НКВДдаги масъул лавозимларга ўз одамларини тайинлаган эмиш, улар ҳам хорижий жосуслар бўлган эмиш. Ягода аввал бошданоқ Вишинскийдан бу айбловдан воз кечишни илтимос қилган эди.

— Андрей Януариевич, — деб Вишинскийни ишонтирмоқчи бўлди у. — Суриштириб келсангиз, бу, ахир, жуда бемаъни гапку! Бунга ҳеч ким ишонмайди. Айниқса, хориждагилар ишонмайди. Агар мен ҳақиқатан ҳам ажнабий жосус бўлсам, импириалистлар Совет Иттифоқидан ўзларининг ҳамма жосусларини чақириб олган бўлишарди, ҳатто элчихоналардаги ҳарбий атташеларини ҳам қолдиришмас эди.

Вишинский кўзларини қисди, кейин юмиб олди. У Сталинга тақлидан тез-тез шундай қилиб турарди.

— Ҳеч нарсани ўзгартира олмайман. Хўжайин шундай қиласан деб тайинлаган. Гапингиз тўғри, хориждагилар бу гапга ишонмайди, аммо бу жиҳатдан хориж нима қилса қилаверсин. Бу ерда, Совет Иттифоқида ишонишади. Сталиннинг бунга ишончи комил. У адашмайди. Нима ҳам дердик — сизга барибир, лекин бизга барибир эмас.

— Яъни масалан?

— Битта айб ортиқ бўлди нима-ю, кам бўлди нима — нима фарқи бор. Бундан ташқари бу ўринда яна бир нозик томони бор, сиз шуни назардан чиқаряпсиз. Агар сиз хорижий жосус бўлмасангиз, унда нима учун Кировни, Горькийни, Куйбишевни ва бошқаларни ўлдирдингиз? Ахир, уларда бирор хусуматингиз бўлмаса керак? Мен кеча Риковга ҳам худди шу гапларни айтдим. У ҳам худди сизга ўхшаб, жосусликда айблашдан бошқа ҳаммасига рози. Мен унга тушунтирдим — бунда ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, бири-бирини тақозо қилади, хуллас, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

Ягода ҳеч нарса деб жавоб бермади. Вишинский бирон нарсани мажбуран унинг бўйнига юкламаётгани Ягодага маъқул келди. У дўстона тушунтиряпти, нима учун фалон нарсани айни шундай қилиш кераклигини, ўзгача қилиб бўлмаслигини изоҳлаб беряпти. У билади — бир неча дақиқадан кейин уни қайтариб камерага олиб кетишади, кейин суд бўлади, судда у ўзидан талаб қилинган гапларнинг ҳаммасини айтади. Кейин эса уни ўлдиришадими? Лекин у ҳозир бу тўғрида ўйлашни истамас эди. Наҳотки, ростданам ўлдириб юборишса? Ягодани биринчи марта сўроқ қилишганда Вишинский уни ўлдирмасликлари ҳам мумкин, деган эди. Сталин ҳам гапида шунга шама қилиб эди. Ягода Вишинскийга ишонмайди. У Сталинга ҳам ишонмайди. Лекин шундоқ бўлса-да, кўнглининг бир чеккасида липиллаб турган умид шамини ўчиришга қурби етмайди.

— Николай Иванович ҳали ҳам ўжарлик қиляптими? — деб сўради у. Ўзининг ҳам тақдирини ҳал қилувчи суд жараёнининг қачон бошланиши Бухариннинг феъли-атворига боғлиқ эди.

— Ҳа, ҳамон оёғини тираб турипти. Ҳеч нарсани бўйнига олишни истамаяпти. Хотини билан ҳам келишиб олган — ўлдириб юборишганда ҳам ҳеч нарсани тан олмоқчи эмас.

— Хотинининг аҳволи қалай?

— Хотини Николай Ивановичдан ҳеч нарсанинг юз-хотирига бормай қаттиқ туришга ваъда беришини талаб қилган. Эру хотин иккови ҳам чакана эмас — бирини олиб, бирига урса бўлади. Хўжайин бўлса ҳали ҳам Николай Ивановичга нисбатан жисмоний тазйиқ кўрсатишга розилик бермаяпти. У ҳам ҳақ, чунки жисмоний тазйиқдан фойда йўқ. Менда бир фикр туғилганди, хўжайинга ҳали айтганимча йўқ. Николай Ивановични сизнинг камерангизга киритиб кўрсак нима бўларкин, а?

— Майли, лозим бўлса...

— Деворларда микрофон борлигидан у, албатта, хабардор. Шундоқ бўлса ҳам, эҳтимол, оғзидан бирор гап чиқиб кетар. Бу гапи тергов учун асқотиб қолиши мумкин. Сиз эса ўз навбатида, уни қитиқ-патига тегишга ҳаракат қилинг. Қўлингиздан келар-а? Ўзингизга фойда бўлади, Генрих Григорьевич. Ҳа, ўзингизга нафи тегади.

«Яна бир янги умид шуъласи, тўғрироғи, яна бир янги алдов, — деб ўйлади Ягода. — На чора! Чўкаётган одам сомон парчасига ёпишар экан».

У Сталинсиз суд жараёнини бошлаб юбормасмикин деб сўради.

— Икки дунёда ҳам, Бухаринсиз бошламайди. Аввалги икки жараённи Сталин энди бўладиган асосий жараёнга тайёргарлик деб ҳисоблайди. Ҳатто бунисини Бухарин жараёни деб атаяпти.

— Яхши, — деди Ягода. — Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Аммо самараси учун кафил бўлолмайман. Ўзингиздан қолар гап йўқ...

Ўзининг сиёсий васиятида Ленин «Ўртоқ Бухарин нафақат партиянинг энг қимматли ва энг атоқли назариячисидир, балки у мутлақо асосли равишда унинг ардоқли арбоби ҳамдир», деб ёзган эди.

Лениннинг ҳам, партиянинг ҳам ана шу ардоқли арбоби салкам бир йилдан бери Лубянкада НКВДнинг ички турмасида ўтирарди. Сўнгги икки ҳафта мобайнида у Ягода билан ҳамхона. Улар бирга турган камера ҳам «зодагонлар» тоифасига мансуб. Бу камераларнинг асосий устунлиги шунда эдики, уларга қанча одам белгиланган бўлса, шунча одамни жойлар эдилар. Бир кишилик камераларга бир кишини, сал каттароқ камераларга икки, уч ёхуд тўрт кишини қўйишарди. Оддий камераларда эса турмага одам тиқилиб кетгани сабабидан қирқ кишидан ва ҳатто ундан ортиқ махбусни ҳам жойлашарди. Ҳатто бир кишилик камераларга ҳам олти кишидан, саккиз кишидан сиғдиришарди...

Яқинда Сталин Бухаринга камерада ўтириб, инсон табиати мавзусида китоб ёзишга рухсат берди. Аммо иш учун керакли китобларни кутубхоналардан олдириб келишга ижозат беришмади. Иттифоқо, Бухарин жуда ноёб хотира эгаси эди. У кичкина стол ортида ўтириб, деярли тўхтамасдан тез-тез ёзишга киришди:

«Йирик рус адиби ва мутафаккирларидан бири Николай Гаврилович Чернишевский турмадан Петербургдаги Митнин майдонига 1864 йилнинг 19 майида олиб келинди. Ўша кезларда у 35 ёшга кирган эди. Кўкрагида «давлат жиноятчиси» деган ёзувили тахтача илиб қўйилган эди. Иккита жаллод уни тиз чўктириб, қора устунга занжирбанд қилишди, кейин унинг боши устида қарсиллатиб қилич синдиришди. Бу унинг офицерлик унвонидан маҳрум қилинганини англатар эди. Ўз асарларида баён этган инқилобий ғоялар учун у 14 йил муддат билан конларда оғир ишларни бажаришга ҳукм қилинганди, уни ўтагандан кейин эса умрининг охиригача Сибирга сургун қилинмоғи керак.

Шу куни эрталабдан ёмғир ёғди. Аммо Митнин майдонида одам гавжум эди. Ёшгина барно қиз, афтидан, толиба бўлса керак, Чернишевскийга кичкина гулдаста отди. Гулдаста унинг оёқлари остидаги кўлмакка тушди.

Чернишевскийни чорак соатга занжирбанд қилиб қўйишган устун яқинида тахта девор бор эди. Унинг ортида қурилаётган уйларнинг ҳавозалари кўриниб турипти. Қурувчи ишчилар девор устига тирмашиб олишган. Улар ҳуштак чалиб, Чернишевскийни мазах қилишади, унга тош ва лой отишади ва «Бадарға унинг учун енгил жазо! Уни қатл этмоқ керак!» деб қичқиришади».

Бухарин ёзишдан тўхтаб, қаламни қўйди.

— Сиз ишчиларнинг, Петербургдаги ҳақиқий ишчиларнинг Чернишевскийни мазах қилиб ҳақоратлашгани тўғрисида ҳеч ўқиганингиз борми? — деб сўради у Ягодадан.

— Йўқ, ўқиган эмасман. Ўқиган бўлсам ҳам эслаёлмайман.

Бухарин унга ёзган нарсасини ўқиб берди. Ягода ишонқирамай бошини чайқади.

— Наҳотки, шу гаплар рост бўлса?

— Ҳа. Буни кейинчалик жуда кўп гувоҳлар ёзиб кетишган. Уларнинг ёзганлари бир-бирларига тўғри келади.

— Ахир, улар ишчи бўлганлар-ку! Чернишевский эса инқилобчи бўлган. У «Нима қилмоқ керак?»ни ёзган. Тўғрими?

— Тўппа-тўғри.

— Ундай бўлса, нечук пролетарлар?..

— Ҳамма гап шунда-да, — деб кулиб юборди Бухарин. — Улар ҳақиқий пролетарлар эди, аммо ишлаб туришса, турмушлари унча ёмон ўтмасди. Давлат жиноятчиси Чернишевский бўлса, инқилоб қилишга чорлаган. Инқилоб уларнинг фаровонлигига хавф туғдирган. Шунинг учун ҳам улар Чернишевскийга тош отишган.

— Йўқ, — деди Ягода. — Улар ишчилар бўлган бўлса бўлишгандир, лекин ҳали уларнинг синфий онги ўсиб улгурмаган. Бошқача айтганда, қора ҳалқ, авом. Бунинг устига бу воқеа анча аввал бўлиб ўтган ва ҳозир ҳеч нарсани исбот қилмайди.

— Билмадим. Эҳтимол, исбот ҳам қилар. Масалан, биз Германия ва Италияда ишчилар бизнинг томонимизда бўлишлари керак деб ҳисоблардик. Улар бўлса, фашистларга ҳокимиятни босиб олишга ёрдам беришди. Яна бунинг устига бу воқеа ўтган асрда эмас, бизнинг давримизда содир бўлган. Герман ёки итальян ишчилари тўғрисида «уларнинг синфий онги ҳали шаклланиб улгурмаган», деган гапни айта олмайсиз-ку!

— Сиз инсоннинг табиати ҳақида ёзяпсиз деб ўйловдим. Ҳолбуки, китобингиз турган-битгани сиёсат экан-ку!

— Йўқ, ўртоқ Ягода, мен инсон табиати ҳақида ёзяпман. Сизга ўқиб берган парчам шундан далолат берадики, пролетарий, онгли ишчи ва шунга ўхшаш бошқа ёрлиқлар ҳеч нарсага ярамайди. Улар бизни чалғитади, чунки биз уларнинг замирида инсонни кўрмаймиз. Биз уни қўғирчоққа, жонсиз бир сиймога айлантириб қўямиз-да, бу қўғирчоқ бизнинг у тўғрисидаги қолипларимиз ва ёлғон тасаввурларимиз бўйича

**(Давоми 4-бетда)**

---

* ***Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида***

